

Мўминжон ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
катта ўқитувчиси, фалсафа доктори (PhD)

АҲМАД ЗАКИ ВАЛИДИЙНИНГ ХАРИТАШУНОСЛИККА ОИД ҚАРАШЛАРИ

Асарда Аҳмад Заки Валидий Маҳмуд Қошғарий томонидан тузилган харитада ўша даврдаги мамлакатлар, шаҳарлар, тоғлар ва дарёларнинг жойлашиш тартибини тузади.

Заки Валидий ушбу асарида қадимги туркийлар деганда, – ислом динигача бўлган маданиятга дахлдор бўлган туркийларни назарда тутди. Мирзо Улуғбек тузган харита ислом, юнон ва Европа харитачилик шаклида яратилган. Аммо Заки Валидий харитани Чингизхон ва Амир Темур даврида жамоатчилик асосида тузилган хариталарга бағишлаганлигини айтади. Маҳмуд Қошғарий тузган харита энг мукамал тузилган харитадир ва дастлабкиси дейиш ҳам мумкин, – деган хулосани беради.

Асарда шунингдек, мазкур харита билан шу кунгача хариташунослардан Конрад Миллер [1] ва Альберт Херман[2]лар шуғулланган бўлиб, ҳар икки олим ҳам харита ўз даврининг “Асл туркий асари” эканлигини асослайди. Унда харитадаги жуғрофий атамаларни изохламоқчи бўлишган аммо асос топа олишмаганлигини таъкидлаб ўтишган. Ҳатто, асарнинг асл манбаси нимадан иборатлигини ҳам у қадар тўлиқ баён этмаганлар. Ҳар икки олим ҳам хаританинг Ғарб мамлакатлари қисмида Шарққа оид хариталарига ўхшаш ва фарқли жиҳатларни кўрсатиш билан кифояланганлар. Заки Валидий фикрича, мазкур харитада диққатни қаратиш лозим бўлган асосий марказ туркийларнинг она ватани бўлмиш Туркистоннинг жаҳон маркази қилиб кўрсатилиши ва хаританинг ҳам

марказига тўрт бурчакли, қирмизи чизик билан кўрсатилган. Улардан дунёнинг тўрт томонига дарёлар оқаётган ҳолда чизилган. Шарқий Тянь-Шандан чиққан қирмизи чизик Олтой бўлиб, у Байёх ва Яблон тизимларини Осиёнинг шимоли-Шарқий томонигача борган. Қошғар томондан Олой ва Ҳисор тоғлари Ғарбга қадар боради.

Афғонистоннинг Журжон вилоятидан жанубигача ястаниб кетган тоғлар Кашмирнинг жануби, Ғазнанинг шимолидан ўтади. Бу Қорақум, Ҳимолай ва Ҳиндикуш тоғ тизмаларидир. Тўрт бурчак (яъни Олой, Ҳисор, Помир, Ҳимолай тоғ тизмалари назарда тутилган – М.Х.)нинг жанубий-шарқий бурчагидаги тизма бўлиб, шимолдан шарққа Хитойга қадар чўзилган (Khuyen Lun) Куйен Лун тоғларидан бошқа нарса эмас. Туркийларнинг ватани бўлган Тангри тоғ ва Помирларнинг йириклашуви Осиёдаги тоғ тизмаларини улардан чиққан шаҳобча тарзида кўрсатилганлиги туфайли харитада табиийки, мутаносиблик йўқ. Қошғардаги 200–300 километрлик ҳудудда жойлашган 5 та шаҳри мурабба (4) нинг бутун Шарқий қисмининг масофаси 120 километрдан иборат бўлган Тошкент ва Хўжанд шаҳарлари Заки Валидийнинг фикрича, мураббанинг ғарбий қисмига киради. Осиёнинг катта дарёлари ҳам ушбу мураббадан чиқарилган шимолдан Или дарёси шимолий денгизга (бу ерда Балхаш ва Иртиш қўллари шимол денгизига нисбатан берилган) қуйилади. Ғарбдан Сирдарё ва Амударё чиқиб, «Орол ва Хазар»

денгизига куйилади. Хитой манбаларидан «Са-хан» дейилгани сабабли, харитада ҳам Сайхун деб номланган. Ганг дарёси эса, Жайхуннинг (Амударё) ирмоғи сифатида Ҳинд океанига мураббанинг жанубидан бориб куюлади. «Мосин» (Хитой) денгизининг ирмоғи тарзида Хитойнинг маркази томонга оқади. [3] У мураббанинг Шаркида «Тарим Куаан-ху» дарёси сифатида чиқиб, Шарқдан Хитой денгизига мансуб бўлиб, у Лобнор кўлигача чўзилган. Орол денгизи билан Ҳазар денгизининг кўрсатилишига ҳар икки сув ҳавзасининг ер ости йўллари билан бирлашиб кетганлиги ҳақидаги тушунчалар асос бўлган. Тарим дарёсини Сарик дарё билан ер остида бирлашишига эса, Шарқий Туркистон ва Хитой аҳолиси ҳам бирдек ишонишарди. Хаританинг тилга олинган бутун бу хусусиятларини Хитойларнинг «Куйен Лун», ҳиндларнинг «Меру», «Анаватта», – деган афсонавий космогониялари билан тенглаштириш мақсадга мувофиқдир. Дастлаб «Куйен Лун» атамаси Ўрта Осиёда пайдо бўлганида фақат афсоналаштирилган юксак тоғларда яшовчи одамларга нисбатан қўлланилади. Альберт Херман бу одамлар «Хюнг ну» [4] (яъни хунлар) уруғи деб ҳисоблайди. Марказий Осиёдан келиб Хитойда ҳукм сурган ва эҳтимол келиб чиқиши турк бўлган «Чу» сулоласига мансуб «Тангри ўғли Му»нинг милоддан аввалги X асрда Ўрта Осиёга қилган саёҳати ҳақидаги ҳикояларда (Му Тиен Тзу Цуан милоддан олдинги IV–V асрларга оид Шан-хай-чинг) яъни, «Тоғлар ва денгизлар ҳақидаги мумтоз асар» номли афсонавий жуғрофий асарнинг «Бамбук каналлари» бобида Куйен Лун Сарик дарё бошланувчи юксак тоғ ўлкаси сифатида кўрсатилади. Тоғ ва ундан чиқиб дунёнинг тўрт томонидаги денгизларга куюлувчи 4 дарёларнинг «Шан-хай-чинг» харитасидаги тасвири ҳиндларнинг афсонавий Меру тоғларидан чиқиб оқадиган 4 дарё тасвирига бир бирига ўхшаш, Кондринг Халун ва В.Кирфел каби олимлар Хитой ривоятлари ҳиндлардан ўтган, – деб даъво қилишларига мустаҳкам замин яратади. (Меру тоғлари ва мурабба Анаватта қўл-у яйловлардан чиқиб оқадиган 4 та дарё Будда асарларида Тарим, Сарик дарё, Ганг ва Амударё деб номланган). Дарҳақиқат, Маҳмуд Қошғарий харитасида дунёнинг маркази қилиб берилган Иссиққўл ва денгизларга куюлувчи Или, Сирдарё,

Амударё, Ганг ва Тарим-Сарик дарёлари, тўрт томонни қуршаб турган тоғ тизмалари Куйен Лун ва Меру космогониясидир. Қизиқ Маҳмуд Қошғарий бу тузилмани Шарқий Туркистондаги буддавийлардан олга бўлиши мумкин. Ёки бу тизимни хитойларнинг туркийларга таъсири тарзида талқин қилиш керак. Унинг энг қадимий шакли ҳиндларга тегишлидир. Хитойлар учун бу бегона тизим бўлиб, уларнинг дастлабки космогониялари бутунлай бошқача бўлган. Хитойшунос олим доктор В.Айхорн Бонн университетиде бўлган илмий анжуманда сўзга чиқиб, дарёларнинг Куйен Лундан чиққанлиги Хитойда милоддан аввал мавжуд бўлишига қарамасдан, асли Хитойларники эмаслиги, асар ҳиндларники бўлса, туркийлар орқали ўтганлиги ҳақида маъруза қилади. Дарҳақиқат, ҳиндларнинг Моҳанжодаро маданиятида тўртта дарё муҳим аҳамият касб этади. Фақат мазкур маданиятнинг Ўрта Осиё туркийлари тарихида учраган шакллари шунчалик теран асосларга эгаки, уни аслида туркий ва мўғулларга қарашли бўлган дейиш мумкин. Туркий ва мўғулларнинг давлат ташкилоти, Туркистон шаҳри вилоятлари, шомонларнинг моддий-маънавий олам ҳақидаги тасаввурлари бунга яққол далилдир. Уларнинг космогониялари бошқа маданиятлар таъсирига учраган бўлсада, хусусан, ҳукмдорни оқ кигизга 4 бурчидан ушлаб кўтариш, ўлкани тўртта бўлиб идора қилиш, кигиз бурчидан ушлаган тўрт кабила бийларига давлат ишларида суяниш, шаҳарларнинг тўрт бурчакли эканлиги, тўрт дарвозага олиб боровчи тўртта шоҳқўчанинг шаҳар бўйлаб чўзилганлиги уларнинг фалсафий қарашларининг сиёсий маданиятининг кўринишидир.

Маҳмуд Қошғарий туркийларнинг жаҳонга ҳоким бўлиши учун Оллоҳ томонидан жаҳон маркази бўлган энг баланд тоғларга жойлаштирилганлигини айтади. Харитани ҳам шу қарашга мувофиқ тарзда тузади. Яъни, дунёнинг тўрт томонига ҳоким бўлади. Харитада яна бир нечта нукталар бўлиб, уларни изоҳлашга бизнинг билимимиз ожизлик қилади. Ҳиндистон билан Хитой орасидаги бир ҳудуд (Осиёнинг жанубий-Шарқий қисми) «Яъжуж маъжуж» мамлакати дейилганда ва Хитойдан ҳозирги Афғонистондаги Ғазнага қадар чўзилган дашту қумликлар тасвирланган. Осиёнинг энг шимолий қитъаси

(Наснос (одамсифат мавжудот – М.Х.) лар ва бошқа ваҳшийлар юрти) тарзида кўрсатилиб, унинг ёнида катта чўл тасвирланган. Ислом манбаларида учрайдиган бу Наснослар туркий афсоналардаги Кейлик [5] ва Ит – Барок бўлса керак, – деган хулосани Заки Валидий беради ва буни изоҳини кейинчалик 1946 йилда нашр этилган “Тарихда усул” асарида келтириб ўтади.

Айниқса, «Нусхатномаи Ало» асаридаги тасвирлар «Ўғузнома» асаридаги тасвирлар билан бир хилдир. Демак, Яъжуж маъжужлар юрти ҳам туркий афсоналарнинг Олд Осиёдаги ифодасидан иборат. Куйен Лун тоғлари жанубидаги Янг-це-киянг дарёси эса, Сарик дарё билан бир кўринишда тасвирланган. У ерда мавжуд бир курфаз билан Янг-це-киянг дарёси оралиғида «Қилим-Гошан», яъни «Ҳоли кулоқли» (шалпанг кўлок) одамлар юрти қайд этилган.

Заки Валидий А.Херманни «Қилим-Гошан» сўзини англамасдан уларни қадимги «Кушон қавми», – деб ҳисоблаган. Ислом манбаларига туркийлар орқали кириб келган бу афсонавий қавм [6] Хитойларнинг мил.ав IV асрда яшаб ўтганлиги «Шан-хай-чинг» китобида қайд этилган.

Маҳмуд Қошғарий «Қилим-Гошан»ларга кўшни, – деб кўрсатган Яъжуж маъжужлар «Нусхат ал-кўлб»да дин деб аталган. Агар бу сўзлар Насносларнинг туркий номи бўлмиш «Кейлик»нинг муқобили бўлмаса, у ҳолда Неликни Қилим-Гошанларнинг туркий номи тарзида талқин этиш мумкин. Тангри тоғнинг Олтой, Сайён ва Яблон тизимларининг шимолда, Осиёнинг энг шимолий Шарқида «Мамлакат ал-нисо» (аёллар мамлакати), яъни амазонлар ўлкаси кўрсатилган. Ислом адабиётига туркийлар орқали кириб келган. Шарқ амазонкалари Хитой афсоналарида муҳим аҳамиятга эгадир. Европа Олд Осиё ва Хитойда кенг тарқалган Осиёнинг хилват гўшалари ҳақидаги бу афсонавий ривоятлар тарихи туркийларнинг фольклорига бориб тақалиши мумкин. Маҳмуд Қошғарий форс ва араб адабиётида урф бўлган номлар билан бирга фақат ўз мамлакати, ўз миллати орасида дунё ва унинг олис бурчаклари ҳақида мавжуд бўлган тасаввур ҳамда ақидаларни ҳам харитада акс эттиргандир. Унинг келиб чиқиши ўзининг хос кўшини бўлган туркийларга шахсан ўзи ном берди. Уларнинг дунёни энг юксак ва ҳавоси энг мусаффо бўлган ерларга жойлаштиради ва

уларни ўзининг хос аскарлари қилди. Шу билан бирга уларни гўзаллик ва ёқимлилиқ, очик юз, одоб ва тарбия билан зийнатлади. Ёши катталарни ҳурмат қилиш берган сўзида туриш манманлиқ қилмаслик, қаҳрамонлиқ уларнинг саноқсиз мактовга лойиқ фазилатларидан биридир», – деган туркийлар ҳақидаги сўзлари фақат унинг шахсий ҳиссиётларини ифодаламайди. Аксинча, муаллифнинг тарихий билим-мушоҳадаларига таянади. Шу боис, Маҳмуд Қошғарий тузган харитасида ватанини бош марказ сифатида тасвирлайди. Қадимий туркий афсоналарининг таҳлили каби тасвирлаган. У бу тоғлар билан марказ атрофига туркийларга тобъе ёки кўшни бўлган мамлакатларни уларнинг атрофига шимол ва шимолий шарқий тарафларга Осиёнинг энг хилват гўшаларидаги афсонавий қавмларни жойлаштирган. Хитойларнинг Куйен Лун тизимини ёдга солувчи мамлакатларнинг жойлашув тартиби Осиёдан келиб чиққан бўлиши мумкин, – деган хулосани беради. Зотан, маркази яйловлар бўлган шарқий ва ғарбий чегаралари Туркистоннинг кир-адирларигача чўзилган буюк жаҳон давлатини туркийлар ташкил қилган бўлиши мумкин. Маҳмуд Қошғарийнинг харитаси ва китобида ҳинд, хитой ва будда маданиятларининг маданияти намоён бўлади. Маҳмуд Қошғарийнинг китобида Сарик дарё ва Янг цзе киянгнинг қадимий Хитойнинг хариталарини эслатувчи чизмаси ҳам бу фикрнинг исботи, – деган хулосага келади.

Заки Валидийнинг **“Қадимги туркий ва мўғул хариталари ҳамда харитачилик масалаларига доир қайдлар”** асарида келтирилган хаританинг мазмун-моҳиятига кўра, будда асарларидан кўчирилган ва Хитой хариталарига асосан тузилган. Чунки, қадимий Хитой хариталари ва Европа хариталаридаги шимол, ислом хариталарида жануб Маҳмуд Қошғарийнинг харитасида эса, қадимдан туркийларда марказ саналган Шарқ марказдир. Яъни бунда шимолий туркийлар космогонияси ҳукмронлиги намоён бўлади.

Хулоса, Заки Валидий ушбу мақолада харитада қўлланилган тўрт буёқ оригинал ва ноанъанавийдир. Нима бўлганда ҳам, ушбу харита қадимги туркийлар маданияти ва туркийларнинг жаҳон ҳақидаги тасаввурларининг энг муҳим қийматли васиқасидир.